Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 80 (6970). 27 апрель, 1979 йил ЖУМА Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ! ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИНГИЗ! ЕРДАН, ТЕХНИКА ВА ЎҒИТДАН, БАРЧА МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛҒОР УСУЛЛАРИГА ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯГА — КЕНГ ЙЎЛ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

МЎЛ ПАХТА ҲОСИЛИ УЧУН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ пахтакорлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумларда қилган доклади ва сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб 1978 йилда пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктларига 430 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 31,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Етиштирилган жами ҳосилнинг 78,5 процента машиналар ёрдамида териб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Хати, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувидаги нутқи, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш, 1978 йил планини муваффақиятли бажариш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига кўра пойтахт область, илғор районлар ва коллективларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилганлиги область механизаторларининг сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириб юборди.

Ватаннинг юксак мукофоти, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, совет халқи фаровонлигини ошириш соҳасидаги чексиз ғамхўрликларига жавобан Чиноз районидаги Киров номли колхозининг икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам, Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг Бобохон Отахонов ва Ленин номли колхозининг Адолат Рўзиматова, Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг Анатолий Кан, Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг Маноп Мусаев, Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхознинг Ёқуб Сарибоев, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхозининг Наби Ўринбоев, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг Турлибек Яхшибоев бошлиқ илғор пахтачилик бригадалари коллективлари ҳар гектар ердан 50—60 центнердан ҳосил олиш, пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1979 йил социалистик мажбуриятларини янги Конституциянинг икки йиллиги кунига, ўнинчи беш йиллик топшириқларини эса тўрт йилда бажариш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар.

Область партия комитети Т. Охунова, Б. Отахонов, А. Рўзиматова, С. Гулаҳмедова, А. Кан, Кан О Нам, М. Мусаев, Е. Сарибоев, Н. Ўринбоев, Т. Яхшибоевлар бошлиқ пахтачилик бригадалари коллективларининг пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1979 йил социалистик мажбуриятларини СССР янги Конституциясининг икки йиллиги кунигача бажариш, ҳар гектар ердан 50—60 центнердан ҳосил кўтариб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш тўғрисидаги қимматли ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, область касаба союзлари Советига, область комсомол комитетига, область ва районлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаларига, хўжаликларнинг бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига ва раҳбарларига илғор пахтачилик бригадалари ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаш ва барча пахтачилик колхоз-совхозларида кенг ёйиш вазифаси топширилди.

Район партия комитетларига, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарларига СССР янги Конституциясининг икки йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилган илғор бригада коллективлари ишини мунтазам контроль қилишни таъминлаш, пахтадан юқори ҳосил олиш учун уларга зарур миқдорда минерал ўғит, кимёвий препарат ва бошқа моддий-техник ресурслар ажратишда кундалик ёрдам бериш тавсия этилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига пахтадан юқори ҳосил олиш, 1979 йил социалистик мажбуриятларини ва умуман бешинчи йилликни муддатидан илгари бажариш ҳаракати ташаббускорлари бўлган коллективларнинг иш тажрибасини мунтазам ва кенг ёритиб бориш топширилди.



Турсуной ОХУНОВА, Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— УЗБЕКИСТОН пахтакорлари она-Ватанга 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бизнинг бригадамиз белгилаган марралар ҳам юксакдир. Коллективимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида мавжуд 84 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтаришга қатъий қарор қилишган. Бундай юксак маррани фақат ҳар бир қарич ердан, техника воситаларидан, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳамда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг қўлланиш ҳисобига эгаллаш мумкинлигини биз яхши биламиз.

Биз бу йил ҳам чигитни энг яхши агротехник муддатларда сифатли қилиб экиб олдик.



Бобохон ОТАХОНОВ, Бекобод районидаги «Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

— МЕН ўттиз йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Ёшим 70 дан ошиб қолган бўлишига қарамай, пахтазорларда ёшлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётирман. Бригадамизда пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга юксалиб бораётир.

Кичик коллективимиз қўлга киритаётган ютуқлар мунтазам илғор агротехника қоидаларига риоя қилиш, қишлоқ хўжалик машиналаридан самарали фойдаланиш натижасидир. Пахтачилик учун жуда мураккаб келган ўтган йилги шароитда ҳам ҳосилдорликни қариб 60 центнерга етказдик.

Бригадамиз аъзолари ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида бу йил 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 60 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга қарор қилдилар.



КАН О НАМ, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— ЎТГАН йили коллективимиз ҳар гектар ердан 47 центнердан хирмон кўтариб, ҳосилдорлик бўйича районда биринчи ўринга кўтарилдилар. Бу ютуқни мустаҳкамлаш учун беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳосилдорликни 55 центнерга етказишга қарор қилганмиз.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида бригадамиз аъзолари ҳар қачонгидан ҳам кўп маҳаллий ўғит жамғардилар. Пахта майдонлари яхшилаб текисланиб, юқори кондицияга етказилган уруғлик чигит экилди.



Саодат ГУЛАҲМЕДОВА, Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— ЎТГАН йилги иш якунларига кўра бизнинг районимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил эришган натижаларимиз қувончли бўлди. Районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари социалистик мусобақа ғолиби бўлиш учун ўтган йили самарали меҳнат қилдилар. Бу йил эса улар «оқ олтин» ҳосилдорлигини янада ошириш ва ғолибликни қўлда сақлаш қолиш учун астойдил курашмоқдалар.

Бу йил бизнинг бригадамиз аъзолари 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришга сўз бердилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,8 центнер кўпдир.



Наби ЎРИНБОЕВ, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз бригада бошлиғи.

— ПАХТАЧИЛИКДА асосий ишни техникани эгаллаган кадрлар ҳал қилишади. Колхозимизда ветеран ва ёш механизаторлар қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта — она-Ватанга кўпроқ ва сифатлироқ «оқ олтин» етказиб беришдир. КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида ҳам шу ҳақда сўз юритилди. Партия-ҳукуматимизнинг қарорига жавобан пахтакорларимиз бу йил ҳосилдорликни кескин оширишга аҳд қилдилар.

Бригадамиз аъзолари ҳам юксак социалистик мажбурият қабул қилишди. Бу йил 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 58 центнердан ҳосил йиғиштириб олишимиз керак. Бунинг учун биз янада самаралироқ ишлашимиз, ҳар бир иш кунидан унумли фойдаланишимиз керак.

ЎРГАТУВЧИ КИТОБЛАР

«Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун, тинчлиқ йўлидаги тинимсиз кураши учун Леонид Ильич Брежневга Ленин мукофоти берилганлиги тўғрисидаги хабарни ишдаги ўртоқларим ҳам қувонч билан кутиб олдилар. Леонид Ильичнинг эсдаликлари совет китобхонларининг қалбларида ўчмас из қолдирди. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бу асарларнинг аҳамияти айниқса буюкдир.

Бу китоблар партия ва комсомол йиғилишларида кенг муҳокама этилди, уларга бағишланган тематик кечалар, конференциялар, суҳбатлар ўтказилди. Коммунистлар учун бу асарлар партийлий-сиёсий ва идеологик иши ташкилотларимизда бебаҳо ҳазинаси бўлса, ёшлар учун эса совет халқининг жанговар ва меҳнат жасорати тўғрисидаги тўлқинлантирувчи қиссадир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг китоблари яшаш ва ғалаба қозонишга, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига астойдил содиқликни эъзозлашга, илҳомбахш меҳнат билан ватан қудратини оширишга ўргатадилар.

Буолма ЖЎРАЕВА, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ХАЛҚ УЧУН КЎПЛАБ СИФАТЛИ МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

26 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР енгил саноат ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область партия комитетларининг саноат масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Госплан, министрлик ва идораларнинг масъул ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, саноат ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, область ва фабрика касаба союзлари комитетларининг раислари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг мутахассислари иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров очди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш соҳасида республика енгил саноат корхоналари коллективларининг вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри М. Х. Қурбонов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, енгил саноат корхоналарининг меҳнатчилари ўнинчи беш йиллик мобайнида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, моллар турини кўпайтириш борасида муайян иш қилдилар. Савдо тармоқларига қўшимча равишда кўп миқдорда ҳар хил моллар-пайпоқ, тикилган ва мўйнали маҳсулотлар, устки трикотаж, чарм пойафзал, ўйинчоқлар етказиб берилди. Давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш олти ярим баравар кўпайди.

Янги корхоналар қурилганлиги ва ишлаб турган корхоналарнинг кенгайтирилганлиги, тармоқнинг техника билан қайта қуроллантирилганлиги халқ учун ҳар хил моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам берди. Хива гилам комбинати, Қувасой чинни заводи, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Жиззах трикотаж фабрикаси, Избоскан районида шойи тўқиш фабрикаси ишга тушди, Тошкентдаги «Учқун» ишлаб чиқариш тўқимачилик-галантерея бирлашмаси реконструкция қилинди, республиканинг бир қанча шаҳарлари ва посёлкаларида йирик корхоналарнинг филиаллари очилди.

Смена нормаларини мунтазам равишда ошириб бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа кенг кўлоч ёзди. Енгил саноат ишлаб чиқариш илғорларидан 254 киши ҳозирдаёқ шахсий беш йиллик топшириқларини бажарибқўйди.

Шу билан бирга, деб кўрсатиб ўтишди сўзга чиққан нотиқлар, аҳолини ўсиб бораётган талабга мос кўламда сифатли моллар билан тўлароқ таъминлаш учун тармоқда ҳали барча резервлардан фойдаланилаётгани йўқ. Уч йил мобайнида ип ва шойи газлама, чинни идиш, гилам ва гилам буюмлар анча кам етказиб берилди. Янги корхоналарнинг қувватлари суст ўзлаштирилмоқда, ип йиғирув ва тўқув фабрикаларининг машина-ускуналари иш билан тўлиқ таъминланмаган. Хом ашё, ёқилғи, электр энергияни оқилона сарфлашга ҳамон йўл қўйилмоқда.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, ана шу камчиликларнинг тугатилиши тармоққа беш йилликнинг асосий вазифаси — Коммунистик партиянинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш негизида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини юксалтиришдан иборат йўлни изчиллик билан амалга оширишга қўшаётган ўз ҳиссасини кўпайтириш имконини беради. Мавжуд машина-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, Сифат белгиси қўйилган буюмлар ишлаб чиқаришни беш йилликнинг охиригача икки баравар кўпайтириш учун маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини тўла жорий этишга эришиш лозим. Талабга мос келадиган моллар турини кўпайтириш — муҳим вазифадир. Болалар учун, спорт учун ва меҳнаткашларнинг хордиқ чиқариши учун зарур бўлган молларнинг янги турларини яратиш ва моделлаш ишини тубдан яхшилаш талаб қилинади.

Қурилиш министрликлари республика енгил саноат министрлиги билан биргаликда корхоналар, маданий-маиший объектлар, уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш планларининг бажарилишини таъминлашлари керак. Кичик шаҳарларда филиалларни кўпайтириш сира кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Бу проблеманинг ҳал этилиши муҳим социал-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

Йиғилишда СССР Енгил саноат министри Н. Н. Тарасов сўзга чиқди.

Партия-хўжалик активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон енгил саноатининг резервлари ва ресурсларини сафарбар этиш, 1979 йил ва умуман беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш тадбирлари белгиланди.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Ф. И. Мочалин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Й. Р. Курбонов, М. М. Мусахонов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҲАР ЙИЛГИ «СОВЕТ КИНОСИ КУНИ» БАЙРАМИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«Совет киноси куни» байрами белгилансин.

«Совет киноси куни» ҳар йили 27 августда байрам қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1979 йил 25 апрель.

КОММУНИСТИК ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

БОКУ. (ТАСС). Бугун Озарбайжон пойтахтида «Ҳаётда актив позицияни шакллантириш: ахлоқий тарбия тажрибаси ва актуал проблемалари» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг, Иттифоқдош Республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг, мамлакат илмий марказлари ва ижодий союзларининг, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг масъул ходимлари, ишлаб чиқариш новаторлари қатнашмоқдалар.

Конференцияни КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников очди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини конференция иштирокчилари баланд руҳ билан қутиб олдилар. Табрикномани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев ўқиб эшиттирди.

Конференцияда Г. А. Алиев доклад қилди.

Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасида, деди докладчи, ҳозирги босқичда идеология фаолиятининг, аҳлоқий тарбиянинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Табрикномадаги қоидалар меҳнаткашларни аҳлоқий тарбиялаш самарадорлигини оширишда партия ташкилотларининг жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолади. Г. А. Алиев эътибор берганлиги, самимий табрикномаси учун конференция қатнашчилари, Озарбайжон коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан ўртоқ Л. И. Брежневга астойдил миннатдорчилик изҳор қилди ва совет халқининг бахт-саодати, Ватанимизнинг бундан буёнги равнақи йўлидаги олижаноб меҳнатида унга сиҳат-саломатлик, янги катта зафарлар тилади.

КПСС Марказий Комитети идеология ишига, совет кишисининг маънавий дунёсини бойитишга, унда юксак ижтимоий мақсадларга ва аҳлоқий етукликка иштиёқни тарбиялашга муттасил эътибор бераётганлиги мазкур конференциянинг ўтказилишини тақозо этди, деди нотиқ.

Ўртоқ Л. И. Брежнев марксча-ленинча фанни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшмоқда. Бу фан партия XXIII, XXIV, XXV съездларининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг ҳужжатларида баён этилган янги назарий қоидалар билан анча бойиди. Л. И. Брежневнинг асарлари, докладлари ва нутқлари «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари — илмий коммунизм назарияси ва практикасини ижодий бойитиш намунасидир.

Г. А. Алиев аҳлоқий тарбия системасини ташкил этиш соҳасида республикада тўпланган тажрибага тўхталди.

Докладчи социалистик мусобақанинг, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашнинг аҳлоқий жиҳатларига батафсил тўхталиб ўтди, инсоннинг аҳлоқий дунёсини шакллантиришда оиланинг муҳим роль ўйнашини, комсомол, мактаб, олий ўқув юртлари бу соҳада олиб бораётган ишларнинг жуда катта аҳамиятини қайд этди.

Г. А. Алиев меҳнаткашларни аҳлоқий тарбиялашда партия раҳбарлигининг форма ва методларини юксак принципиаллик ва талабчанлик позицияларда туриб анализ қилиб, пировардида ишонч билдириб айтдики, илмий-амалий конференция совет кишиларининг ҳаётда актив позициясини шакллантириш жараёнига партия раҳбарлигини кучайтиришнинг конкрет йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради, аҳлоқий тарбия самарадорлигини янада оширишда кўмаклашади.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 4(194)

• ОММАВИЙ РЕЙДЛАР • ЕРГА ЕР ҚЎШИБ...

• МЕТАЛЛ ИСРОФ БЎЛМАСИН • ФЕРМА-

ДАГИ ҲАНГОМАЛАР • ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йилида юксак марраларни кўзлаштган. Улар йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаганлар. Шу ниятда бошланган мусобақа яхши самаралар бераяпти. Саноатчилар тўрт ойлик планни бажариш арафасида турибдилар. Кўпгина корхоналар 1 Май байрамига муносиб совғалар ҳозирламоқда.

Саноатчилар, бинокорлар, транспортчилар эришаётган ютуқларга халқ назоратчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар район бўйича ўтказилаётган рейд ва текширувларда актив иштирок этиб, ички резервларни қидириб топмоқдалар. Маҳсулот сифатини яхшилаш иш самарадорлигини оширишга ёрдамлашмоқдалар.

Группа ва постлар ўтган йили 2238 та текширув ўтказдилар. Бу текширув якунлари коллектив йиғилишларида, партия ва совет органларида муҳокама қилинди. Давлат планларини бажара олмаган, хўжалик юритишда нўноқлик қилган 33 лавозимли шахс жавобгарликка тортилди, кўплаб кишиларга пул жаримаси солинди. Рейдларда район халқ контроли комитети аъзолари ҳам қатнашмоқдалар. Улар ўтган йили 56 та текширув ўтказдилар. Бу текширувлар давомида кўзбўямачилар, социалистик мулкни совураётган ноқонуний ишларга дуч келдилар, дангасалар сири очиб ташланди, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Биз рейдларга жамоатчи активларни кенг жалб қилмоқдамиз. Жамоатчилар район халқ контроли комитетининг, группа ва постларнинг ишончли таянчидир. Кейинги пайтларда ўтказилган оммавий рейдларнинг бирида 240 киши иштирок этди. Улар орасида халқ контроли группасининг аъзолари, район Совети депутатлари, мутахассислар бор эди. Бундай текширувларда тўқимачилик-галантерея фабрикаси, асбобсозлик заводи, «Ташстроймате-риал» бирлашмаси тайёрлаётган маҳсулотлар сифати қўздан кечирилди. Текширув охирида иш сифатини янада яхшилашга қаратилган тавсиялар берилди.

Жамоатчи активлар иқтисодий тежамкорлик режимини кўчайтириш юзасидан ўтказилаётган текширувларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Районда тежамкорлик бўйича штаблар тузилган. Штабларнинг раҳбарлигида 42 та саноат корхонаси текширилди. Текширувлар давомида хом ашё, материаллар, ёнилғи ва электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлашга қаратилган 800 та таклиф киритилди. Бу таклифларнинг 500 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 600 минг сўмлик шартли иқтисодий фойда олинди.

Тежамкорлик юриши кенгайганлиги туфайли ўтган йилда район бўйича 7,2 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 2,3 миллион киловатт соат электр энергияси, 130 тоннага яқин ёнилғи-мойлаш, кўплаб бинокорлик материаллари тежаб қолинди. Шу йилнинг ўтган кварталида ҳам тежамкорлар қатор текширувлар ўтказиб халқ хўжалигига катта фойда келтирдилар. Рейдларда «Ташстроймате-риал» бирлашмаси, «11-Висотстрой», «Строймеханизация» трестлари, «Ўзбекэнергоремонт» корхонаси халқ назоратчилари актив қатнашмоқдалар.

Район халқ контроли комитети пост ва группалар жанговарлигини ошириш мақсадида улар фаолиятини ўрганиб бораяпти. Кейинги пайтда 121 та группа фаолияти текширувдан ўтказилди. Ишни суст олиб бораётган 37 группага амалий ёрдам кўрсатилди. Комитетнинг штатсиз инспекторлари бевосита корхоналарда бўлиб, группалар планини тузишда; рейдлар ташкил этишда, текширув якунларини муҳокама қилишда қатнашмоқдалар. Бир қатор халқ контроли бош группаларида методика кабинетлари ташкил этганмиз. Кабинетларда назоратчилар маълум соҳалар бўйича консультациялар олмоқдалар.

Яқинда шаҳар халқ контроли комитети мажлисида районимиз халқ контроли комитетининг фаолияти кўриб чиқилди. КПСС XXV съезди кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан кўраётган тадбирларимиз маъқулланди. Айни пайтда штатсиз активлар билан ишлашни янада яхшилаш, группа ва постлар жанговарлигини ошириш зарурлиги ҳам уқтирилди. Биз шу кунларда шаҳар халқ контроли комитети мажлисида билдирилган танқидий фикрларга амал қилиб, рейд ва текширувлар самарадорлигини оширишга, жамоатчилар активлигини таъминлашга интилмоқдамиз. Район халқ контроли комитетининг кейинги пайтда бўлиб ўтган мажлисларида қора ва рангли металлни иқтисод қилиш, механизаторлар ҳалқлари билан ишлашни янада такомиллаштириш, қувватлардан унумли фойдаланишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Ойлар ва кунлар бирин-кетин ўтиб бораяпти. Ҳар бир кун, ҳар бир соат биз учун ғанимат. Йиллик топшириқни барвақт бажармоқ учун ҳар дақиқадан унумли фойдаланиш талаб этилади. Назоратчилар шуни ҳис этган ҳолда иш вақтидан яна ҳам самарали фойдаланиш, ускуна ва қувватларни тўла куч билан ишлатиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Ў. ТОШМАТОВ,
Киров район халқ контроли комитетининг раиси.



Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг 1-бригадаси далаларида чигит бир текис униб чиқди. Бригада халқ назоратчилари парваришни сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Суратда: бригада халқ назоратчиларидан (чапдан ўнгга) Я. Тошпўлатов ва О. Ҳасанов.

А. Мальцев фотоси.

НАВБАТ — ПАРВАРИШГА

Шу кунларда уфққа туташиб кетган далаларимизга чиқинг. Қулоқ дилингиз очилади. Йўлнинг икки четидаги карталарда бир текис бўлиб чигит униб чиқяпти. Бу — кўздан бошлаб то шу пайтгача тинмм билмаган, бутун билими, кучи ва ғайратини ишга солган «олтин қўлли» пахтакорларимизнинг меҳнати тимсолидир.

Механизаторларимиз кузда ерни чуқур ҳайдаб шудгор қилдилар. Қиш бўйи устахона зарбдор меҳнат участкасига айланди. Ҳамма ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили катта «оқ олтин» хирмони ишқида яшади. Сув шахобчалари тартибга келтирилди. Етарли маҳаллий ва минерал ўғит жамғарилди. Ерлар чигит экишга тайёрланди...

Ана шу зарбдор меҳнат фронтида 117 кишидан иборат халқ назоратчиларн бош-қош бўлдилар.

Техника ремонти бўйича мунтазам рейд ва текширишлар ўтказиб турилди. Камчиликларга нисбатан муросасиз бўлдик. Илғор тажрибаларни оммалаштиришга катта эътибор бердик. Қатор ибратли тадбирларни амалга ошириш туфайли экин экиш кампаниясига пухта тайёргарлик билан келдик.

Кеч келганда шуни айтиш керакки, бир мунча муддат илгари яна бир бор техникани кўздан кечирдик. Минерал ўғитларнинг тўғри сақланиши ва ёнилғи ресурсларига бағишланган оммавий рейдлар ҳам ўтказилди. Улар эса яна бир бор камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Заминга барака уруғи ташлашдан олдин мавжуд 24 та пост аъзоларини йиғдик. Мутахассислар иштирокида вазифалар яна ҳам конкретроқ аниқлаб олинди. Қўшимча яна постлар ташкил этилди.

Убайдулла Отақулов бошлиқ бригада аъзолари биринчи бўлиб чигит экишни бошлаб юбордилар. Ана шу бригада ҳузуридаги халқ назорати пости аъзоларн чигитни қисқа муддатда ва сифатли қилиб экиш учун курашди. Пост аъзолари трактористларнинг айланиш жойларн яъни картанинг икки бошида эни 3 метрлик полосага чигит яхши экилмай қолаётганини аниқладилар. Шунинг учун трактор қайрилаётган жойга қўлда уруғ ташлашга қарор қилинди. Ҳисоблаб чиқсак бригадада йўл четларида 5 гектар ерга чигит экилмай қолаётган экан. Бу камчиликнинг бартараф этилмши туфайли ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш имкони яратилди.

Ҳар йили зовурлар қазилганда уларнинг тупроғи қирғоқларга уйиб ташланарди. Назоратчилар ана шу тупроқларни дала ичига тортиш ва каналнинг қирғоғигача экин экишни таклиф этишди. Таклифнинг шарофати билан ҳар бир бригадада ўрта ҳисобда 2-3 гектардан ер қўшилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлар маълум даражада об-ҳавога боғлиқ. Чигит экиш даврида кўп ёғингарчилик бўлди. Бу эса баҳорги муҳим кампанияни чўзилишига таъсир этди. Шунда халқ назоратчилари трактористларга қўшимча фонарлар ўрнатиб, ер селгиган пайтда кечаси ҳам чигит экиш лозимлигини айтишди. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти таклифни маъқулладн. Назоратчиларимиз тунги сменаларда трактористлардан фойдаланишни текширдилар. Айрим бригадаларда тунда чигит экиш тўхтаб қолаётгани аниқланди. Айбдорлар участка коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилинди.

Биз ҳар бир участкага бош группа аъзоларидан масъулиятли кишиларни бирлаштириб қўйганмиз. Улар вақти-вақти билан участкаларда бўлиб аҳвол билан танишадилар. Колхоз халқ контроли бюросида ҳисобот берадилар. Бу тадбир ҳам яхши натижалар бермоқда.

Рейд ва текширишларни ўтказишда К. Сейфалов, О. Абдуллаев, Мин Ҳак Нин, И. Орипов, М. Жўраев, О. Низомов каби халқ назоратчилари айниқса актив қатнашмоқдалар. Бу назоратчилар кўпгина қимматли таклифлари билан умум ишига муносиб ҳисса қўшяпгилар.

Колхозимиз пахтакорлари 1979 йил ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб олишга азму-қарор қилганлар. Ана шу марраии эгаллаш учун курашда назоратчилар бундан ҳам актив иштирок этадилар. Кўпгина карталарда чигит унib чиқди. Бундан кейин айниқса ғўза парваришига алоҳида эътибор берамиз. Парваришнинг ўз вақтида ва агротехник қонун-қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтишини таъминлаш учун курашамиз.

В. ЦОЙ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ха номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАРАКАТДА

Оққўрғон райони хўжаликларида 96 та халқ контроли группаси ва 49 та пост қизғин иш олиб бораяпти. Уларга 1490 назоратчи бирлашган. Назоратчиларнинг экиш кампанияси бошланиши олдидан бўлиб ўтган йиғилишларида бу йилги вазифалар конкрет белгилаб олинди. Улар ҳозир экишни намунали ўтказиш устидан пухта назорат ўрнатдилар. Натижада барча участкаларга чигит ўз вақтида экиб бўлинди. Ҳозир уруғлик бодрақдек униб чиқяпти. Ямяшил кертаиларда ҳademай ғўзаларга ишлов бериш бошланиб кетади.

Қишлоқ хўжалик ишларини сифатли бажаришда Вотинцев номли, «Ленинобод», Навоий номли колхозларнинг халқ контроли группалари аъзолари бармоқдалар. Улар техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар, иш сифатини алоҳида кўздан кечирмоқдалар. Иш бошидан пухта бўлаётганлиги учун ҳам натижалар кўзни қувонтирмоқда.

Б. ИУЛДОШЕВ,
жамоатчи мухбир.



Тошкентдаги химия-фармацевтикаси заводининг илғор ишчиси И. Орифжонова социалистик мусобақа пешқадамларидан биридир. У кунлик нормасини 130—140 процентдан ошириб адо этмоқда. И. Орифжонова халқ контроли группаси томонидан ўтказилаётган рейд ва текширувларда актив иштирок этмоқда. Суратда: И. Орифжонова.

А. Тўраев фотоси.

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

ТУНГИ СУҲБАТ

Осмонда илон изи ҳосил қилиб чақмоқ чақнайди, момоқалдироқ гумбурлайди. Тез ёғаётган ёмғир томни шитирлатиб саваламоқда. Аллақаердан чакка ўтяпти. Шамол молхонанинг қийшайган эшигини у ёқдан бу ёққа силталайди.

Зах, моғор иси молларнинг димоғига урилиб беҳузур қилади. Нимқоронғи бурчакда қавш қайтариб ётган икки сигир «суҳбат» қуришяпти:

— Кейинги вақтларда силлам қуриёдиган бўлиб қолибди. Мадорим йўқ. Қашқаой. Баъзан калламни кўтара олмай қоламан.

— Муз яласак ҳам диканглаб юрадиган ёшлик вақтимиз ўтиб кетди. Олахон. Шартимиз кетиб партимиз қолди. Берган овқатлари иягинга ёпишмайди. Нуқул сомон билан ёзлаёт баргини қурт еб битирган беда чўплари.

— Эшитишимга қараганда фақат бизнинг совхозда эмас умуман, «Ташсадвинсовхоз» трестидаги хўжаликларда аҳвол шундай эмиш.

— Кеча мазанг келишмай турувдинг, эшитмадинг. Бизнинг ферма мутахассислари бир катта мажлисда бўлишибди. Бирдан уларга ҳам сўз беришган экан, қорни чирмандадай таранг ферма мудиримиз кўксига уриб, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш учун бутун кучғайратимизни ишга соламиз, гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг вазнини 400 килограммдан оширамиз, ҳар бош соғин сигирдан 4000 килограммдан ошириб сут булоғи яратамиз, юз сигирдан тўқсонтага етказиб бузоқ оламиз. Бу юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун етарли шарт-шароит бор. Яқинда ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик ва тегишли тадбирлар тузиб олдик, деганмиш.

Мудир жойига келиб ўтиргач, хурракчи зоотехник бор-ку, ўша секин шивирлабди:

— Мудир ака, лекин жуда бопладингиз-да. Гапларингиз бўй-бастингизга шунчалик ярашиб кетди-ку. Президиумдагилар ҳам мамнун қараб қўйишди.

— Э ука, ҳали сен ёшсан, ўрган, — дебди мудир. — Планни бажармасанг мансаб столингдан ажраласан, планни кичик, мажбуриятни эса катта олиш керак. Айбир йилгача давраларда хўроздек гердайиб, қичқириб юриш мумкин. Ҳар мажлисда сенинг нутқингдан каттадар маст. Бироқ мажбуриятни ўринлайолмасанг баҳона кўп.

— Буларнинг иши шунақа. Олахон, нуқул иккн гапнинг бирида «бопладимиз», «дўндирамиз», «чорвачилик зарбдор фронт», «фалон йиллик ем-хашак жамғарамиз» дейдилар. Лекин баҳор келди дегунча ўзларини лағанга солиб илик узилдида узилиб қолмайлик дейдилар, ёзда соя-салқинга уришади, кузда томорқаларини ўйлашади. Қишда яна ўша аҳвол.

— Буларнинг яна бир найранглари бор. Айбларини бекитиш учун ортиқча бузоқ ва сигирларни ҳисоботда кўрсатишмайди. Бу билан кимни алдашмоқчи, ҳайронман?!

— Данғаса овқат емасанг қаердан куч оласан. Қорнни тоза тўйдиргач, энди мазза қилиб бир ухласанг, деркан. Буларнинг иши ҳам шунақа. Жон қуйдириб ишламагандан кейин шу аҳвол.

— Узунқулоқ гапларга қараганда бизнинг ферма Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз фермасига қараганда баҳаннов эмиш. Молхонада ҳали бирон сигир ёки бузоқнинг рацион асосида тўйиб овқат еганини у ерда ҳеч ким эслай олмас эмиш. Зерикқан пайтларида энг қизиқарли машғулотлари қовурға санаш экан. Сут берадиган сигрини хўжалик ходимлари зўрға қидириб топиб олишаркан. Ўтган йили ҳар юз бош сигирдан атиги 66 тадан бузоқ олинибди. Зооветеринария хизматининг йўқлиги учун ўтган йили 302 бош қорамол нобуд бўлибди. Бу эса 44 ярим минг сўмлик зарар деган гап. Шу йилнинг икки ойида яна 33 та мол нобуд бўлган. «Оҳангарон» совхози, Калинин районидаги Свердлов номли, «Москва» совхозларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас эмиш.

— Бўлди, бу гаплардан кейин баттар мазам қочяпти.

Қашқа шундай деб ўрнидан турди. Аммо оёқлари қалтираб яна шалтоққа ётиб қолди. Бошини бироз кўтарган эди кўзлари тиниб кетди.

— Кел, бугдой унинг бўлмаса ҳам бугдой гапинг бўлсин, дейдилар. Яхши гапларден гаплашайлик.

— Қани энди бизнинг фермага ҳам жон куйдирадиган, гашаббускор раҳбар келса, ҳащак майдалаш цехлари доимо ишлаб турса. Ширали рационлар тузилса, ёруғ, қуруқ молхоналарда яшасанг. Вақти-вақти билан далага чиқиб сайр қилиб турсанг... Қани энди...

Суҳбатни оққа кўчирувчи: Б. ПЎЛАТОВ.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Область халқ контроли комитети ўз мажлисида Пискент район халқ контроли комитетининг группа ва постлэрга раҳбарлигини кўриб чиқиб, махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда назоратчиларга раҳбарликни янада яхшилаш, партия ва ҳукумат қабул қилаётган қарорлар ижросини текшириш формаларини такомиллаштириш зарурлиги уқтирилди.

ТЕЖАМКОРЛИК — МИЛЛИОНЛАР ШИОРИ

ОБЛАСТИМИЗ саноатчилари материал ва хомашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан катта кураш бошлаганлар. Илғор корхоналарда ишлаб чиқарилаётган машиналар конструкциясини такомиллаштириш, илғор технологик жараёнларни қўлланиш, аниқ заготовкалар тайёрлаш ҳисобига йил сайин неча миллиард сўмлик қимматбаҳо материаллар иқтисод қилиб қолинмоқда.

Ўтган беш йилликнинг ўтган даври мобайнида илғорлар тажрибаси асосида 16 минг тонна металл прокати, кўплаб пўлат трубалар тежалди. Яқинда халқ назоратчилари областимиздаги 60 та корхона ва ташкилотларда текширув ўтказиб, мана шундай қувончли рақамларни қайд этдилар.

Лекин ҳамма корхонада ҳам тежамкорлик учун кураш бирдай яхши бораяпти деб бўлмайди. Ўтган йилда текширилган бешта корхонада 1629 тонна қора металл прокати нормадан ташқари сарфланганлиги маълум бўлди. Биргина «Средазэлектросетьстрой» трестининг Чирчиқдаги ёрдамчи корхоналар комбинати нормада белгиланганидан 100 тонна кўп қора металлни исроф қилди.

Шундай аҳволни Чирчиқдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида ҳам кўриш мумкин. Бу корхонада металл прокати сарфиёти нормаси белгиланмаган. Бунинг устига кўплаб маҳсулот брақка чиқиб кетяпти. Ўтган йилнинг ўзида шу сабаб билан 61 тонна металл прокати исроф бўлди.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли ихтисослашган экспериментал ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг марказий базасида ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф бўладиган хомашё нормаси белгиланмаган. Металлнинг сарфиёти ҳисоб-китоб қилинмагач, ҳамма ўз билганича иш тутмоқда. Кўпинча четдан тушган буюртмаларга металл прокати сарфланмоқда.

Область халқ контроли комитети металл прокати сарфиётини назорат қилиш юзасидан зарур чораларни кўрди.

ГРУППАЛАР ЖАНГОВАРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ПИСКЕНТ район халқ контроли комитети КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССР халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисидаги қарорини амалга ошира бориб, маълум ишларни бажарди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ёрдами билан халқ контроли группа ва постлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамландн, структураси такомиллашди. Группа ва постларда партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар сони 13 кишига кўпайди. Халқ контроли группаси раисларининг 95 процентн бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ўринбосари ёки бюро аъзосидир.

Ўтган давр мобайнида район халқ контроли комитети мавжуд 77 та группадан 58 тасига амалий ёрдам кўрсатди. Комитет мажлисларида 3 та группанинг ҳисоботи тингланди. Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида эса коммунист назоратчилардан 339 кишининг ҳисоботи тингланди. Халқ назоратчиларининг 70 процентдан кўпроғи ўқувнинг турли формаларига жалб этилган.

Назоратчилар активлиги билан ўтган йили 618 та текширув ўтказилди. Айниқса пахта йиғим-терими даврида назоратчилар катта ишларни бажардилар. Ўтказилган текширувларнинг 21 таси бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинди. Текширувлар асосида колхоз ва совхозларда махсус партия йиғилишлари бўлиб ўтди.

Лекин шунга қарамай халқ контроли группалари ва постларининг ҳаммаси ҳам шу кун талабн даражасида ишламаяпти. Район халқ контроли комитети маиший хизмат, қурилиш ва транспорт ташкилотлари халқ контроли группаларига етарлича раҳбарлик қилмаяпти. Уларга топшириқ берилади-ю, аммо бу топшириқларнинг бажарилишини назорат қилинмайди, бошланган иш охиригача етказилмайди. Айрим группа ва постлар активлиги сусг. Район халқ контроли комитети уларга амалий ёрдам кўрсатмаяпти, назоратчиларни ўқитиш устида ғамхўрлик қилмаяпти.

СИФАТ ВА СУРЪАТ КЕРАК

БЕКОБОД шаҳрида истиқомат қилаётган кишиларнинг бир группаси 280 ўринли болалар боғчаси ва 9 қаватли турар-жой қурилиши бинокорларининг масъулиятсизлиги билан йилдан-йилга чўзилиб келаётганлигини шикоят қилишди. Назоратчилар оғзаки шикоят бўйича текширув ўтказдилар.

280 ўринли болалар боғчаси қурилишига бундан уч йил муқаддам қўл урилган эди. Уша йилнинг ўзидаёқ қурилишни ниҳоясига етказиш ва болалар боғчасини фойдаланишга топшириш вазифаси белгиланди. Лекин «Узбекметаллургстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармаси ишни ниҳоятда сусг олиб борди. Натижада боғча белгиланган вақтгача қуриб битказилмади.

Шундан сўнг қурувчилар 1977 йилда қурилишни албатта тугаллаймиз, деб ваъда беришди. Лекин яна ваъдага вафо қилинмади. Ниҳоят 1978 йилнинг декабрига келиб боғчада қурилиш ишлари тугаллангандай бўлди. Аммо Давлат қабул комиссияси аъзолари хоналарни айланиб яна бир қатор камчиликларни топдилар. Қурувчилар бу нуқсонларни 1979 йил январь ойида албатта тугаллаймиз, деб ваъда бердилар. Комиссия аъзолари ваъдага ишониб боғчани қабул қилиб олдилар.

Бинокорлар боғчани фойдаланишга топширишди-ю, шу билан ваъда қилинган ишларни унутишди. Вентиляция, канализация, иссиқ ва совуқ сув йўлларн чалаларигача қолиб кетди. Шундан сўнг бекободликлар кўз бўямачи қурувчилар устидан шикоят қилишга мажбур бўлдилар.

9 қаватли 4-уй қурилишида ҳам мана шундай кўнгилсиз ҳоллар юз берди. Қурувчилар 1977 йилдаёқ уйни фойдаланишга топширишга сўз беришган эди. Лекин бино ўтган йилнинг охирига келиб фойдаланишга тайёр бўлди. Шунда ҳам қатор нуқсонлари бор эди. Область халқ контроли комитети қурилиш ишларини чўзиб келаётган 2-қурилишмонтаж бошқармаси бошлиғи Қосимовга выговор эълон қилди. Шу кунларда қурилишда йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш тадбирлари кўрилмоқда.

МЕЛИОРАТОРЛАРИМИЗ КАТТА ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишни ирригация-мелиорация тадбирларисиз тасаввур қилиш қийин. КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумлардаги нутқларидан келиб чиқадиган хулоса ва кўрсатмаларга оғишмай амал қилаётган областимиз сув хўжалиги ва қурилиш ташкилотларининг ходимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тинмай ривожлантириш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Паркент магистрал каналининг 24 километр узунликдаги биринчи комплекси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу биринчи ва иккинчи боғдорчилик совхозларини сув билан таъминлаш имконини беради.

Ўтган йил областда 3149 гектар янги ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. 8744 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 5854 гектар майдонда капитал тексилаш ишлари амалга оширилди. 64 миллион сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Оҳангарон сув омбори ҳажмини кенгайтириш бўйича 7 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, бу эса, сув омбори сиғимини 110 миллион кубометрга етказиш имконини берди.

Суғориш тармоқлари вегитация даврига ҳар томонлама пухта ва сифатли тайёрлаб қўйилганлиги сабабли бултур суғориш ишлари бир маромда давом этди. 1978 йилги оғир об-ҳаво шароитларига қарамай областимизда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. План ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди. Бунда сув хўжалиги ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Ўтган зарбдор йилда эришилган ютуқлар учун сув хўжалиги коллективимиз 1978 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси голиби деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Юксак мукофотдан руҳланган қурувчиларимиз ва суғориш тармоқларидан фойдаланувчилар эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, мелиорацияга сарфланаётган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш учун янада фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, бой билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.

КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари асосида гидротехник иншоотлар қурилиши ва суғориш тармоқларидан фойдаланишни индустриал негизга кўчириш давом этмоқда. Шу мақсадда қурувчи ва фойдаланувчи ташкилотларнинг индустриал базаси тобора ривожлантирилмоқда. Сув хўжалиги қурилишларида ишлатиладиган темир-бетон конструкциялари, қувурлар ва бошқа материаллар заводларда тайёрлаб чиқарилаётганлиги, канал ҳамда бошқа суғориш системалари автоматлар ёрдамида бошқарилаётганлиги ана шундан далолат беради.

Сув хўжалиги ташкилотлари олдида 1979 йилда амалга оширилиши лозим бўлган улкан вазифалар турибди. Биз 4,2 минг гектар янги ер, шу жумладан, Паркент канали зонаси комплексида 2,5 минг гектар ер ўзлаштиришимиз, 10 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашимиз, 5 минг гектар суғориладиган ерни капитал тексилашимиз, 80 километр узунликдаги каналга бетон ётқизишимиз лозим.

1979 йилда Чирчиқ дарёси чап қирғоғида жойлашган суғориш системаларида ҳисоблаш машинаси бўлган УТМ-1 комплекс қурилмасини жорий этиш кўзда тутилган. Бу И. А. Полвонов номидаги «Ташканал» бўйича бутун сув таъминотини, кейинчалик эса «Қорасув» дарёси системасини ягона диспетчерлик пунктидан бошқариш имконини беради. Найман гидроузели ва бошқа иншоотларни автоматлаштириш ва олисдан туриб бошқариш ишлари давом эттирилади.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик экинларини суғориши механизациялаш ва илғор усулларни жорий этишни тезлаштириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор асосида 1979 йилда экинларни ёмғир ёғдирадиган машиналар ва най усулида суғоришни қўллаш бўйича катта ишлар қилиниши мўлжалланган.

Оҳангарон районида Ялпоқтепа каналини реконструкция қилиш ва унинг давоми бўлган 27 километрлик Оҳангарон канали қурилиши ҳозирданоқ бошлаб юборилди. Бу қўшимча 1900 гектар янги ўзлаштирилган ерни сув билан таъминлайди. Бўка районида эса Сирдарё бўйида секундига 5 куб. метр сув чиқара оладиган насос станцияси қурилади. Насослар Алхажар массивидаги қир ерларга сув чиқариш имконини беради. Чунки, яқин вақт ичида у ерда минг гектар янги ер ўзлаштирилади ва суғориладиган 2,7 минг гектар ерни сув билан таъминлаш яхшиланади. Бу ишлар ҳозир давом эттирилаяпти.

Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози, Свердлов номли колхоз ҳамда Тельман номли колхознинг Учтепа массивида бунёд этилаётган электр насос станцияларида қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу келажакда Пискент районида 1000 гектардан ошиқ янги ер майдонини ўзлаштириш имконини беради.

1979 йилда Оққўрғон, Бекобод, Янгийўл ва бошқа районларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мўлжалланмоқда. Бу соҳада конкрет тадбирлар белгилаб қўйилган. Бу тадбирларни амалга ошириш учун етарли капитал маблағ эгамиз. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги областда қурилиш ишлари қўлами ошганлигини ҳисобга олиб, бу мақсадларга 59 миллион сўм, яъни 1978 йилдагига нисбатан 6 миллион сўм кўп капитал маблағ ажратди.

Область суғориш системалари бошқармасига қарашли барча ташкилотларда суғориш шоҳобчаларини 1979 йил вегетация давригача тўла тахт қилиб қўйиш юзасидан белгиланган тадбирлар бажариб бўлинди. Ҳозиргача 380 та гидротехник иншоот ремонт қилинди. Насос станциялари ремонти тугалланди. 75 та насос станцияси, 70 та қудуқ мавсумга тайёр.

Область сув хўжалиги ходимлари қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан тўла таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги қурилиши ва суғориш барча шоҳобчаларидан самаралироқ фойдаланишни янада яхшилаш юзасидан 1979 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажарадилар.

У. МУСЛИМОВ,
Тошкент область суғориш шоҳобчалари бошқармасининг бошлиғи.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

НЬЮ-ЙОРКДАГИ УЧРАШУВЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 25 апрель. (ТАСС мухбири). Ўзбекистон давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли солистларининг Нью-Йоркдаги концертлари зўр муваффақият билан ўтмоқда.

Америка-Совет дўстлиги миллий кенгашининг таклифига биноан бу ерга келган ўзбек санъатининг усталари икки кун ичида ўз ватанларининг халқ рақсларини Нью-Йоркликларга кўрсатдилар. Улар шаҳарнинг етакчи бадиий билим юртида концерт бериш шарафига ноил бўлдилар. Нью-Йорк шаҳар атрофидаги Фрипорт аҳолиси ҳам ансамблининг маҳорати билан танишди. Минг ўринли зални томошабинлар лиқ тўлдиришганди.

Концертлар кўплиги ва вақт тафовути катталигига (Тошкент Нью-Йоркдан 11 соат «олдинда боради») қарамай, ўзбек ижрочилари томошаларни зўр маҳорат билан кўрсатдилар. «Баҳор»нинг ҳар бир номери гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди. Концерт тугаганидан сўнг томошабинлар ўринларидан туриб артистларни самимий қутладилар.

Америкаликлар Нью-Йоркнинг бадиий билим юртида «Баҳор»нинг саҳна маҳорати билан танишибгина қолмадилар. Билим юртининг фойесида Тошкентдан келтирилган ва ҳозирги Ўзбекистоннинг саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, таълим-тарбия соҳаларида эришган ютуқларини яққол намойиш қилувчи китоблар ва фотосуратлар кўйилганди. Бу ерга келган кишилар республикага бағишланган ранг-баранг брошюраларнинг биронтасини ҳам қолдиришмади, Ўзбекистоннинг амалий санъати ва халқ ҳунармандчилиги тўғрисида тасаввур берувчи экспонатларни зўр қизиқиш билан кўришди.

Делегация концертлар орасидаги танаффусда АҚШдаги негрлар балет труппаларидан бири—Гарлем рақс театри билан учрашди.

Бизнинг нуқтаи-назаримизда маданий алоқалар — икки мамлакат халқларини яқинлаштирувчи энг яхши имкониятлардан биридир, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Гарлем рақс театрининг раҳбарларидан бири Виктория Саймон.

А. ВОРОНИН.

ҚЎШНИ ХАЛҚНИНГ БАЙРАМИ

БУНДАН бир йил муқаддам, 27 апрель куни Афғонистонда Халқ Демократик партияси раҳбарлигида чинакам халқ революцияси галаба қозонди. Бунинг натижасида Афғонистон Демократик Республикаси эълон қилинди.

Ҳозирги кунда афғон халқи ўзи танлаб олган йўлда дастлабки қадамларни қўймоқда.

Афғонистон халқ ҳукумати аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида кўпгина тадбирлар кўрмоқда. Ҳозирги вақтда унинг раҳбарлигида ер ислоҳоти амалга оширилмоқда. Революциянинг дастлабки ойларидёқ кам ерли ва умуман ерсиз деҳқонлардан 11 миллион киши қарз балосидан қутқарилди. Шунингдек, мамлакатда яшовчи ҳамма халқлар тенг ҳуқуқли, деб эълон қилинди, уларга ўз она тилларида ўқиш, газеталар нашр қилиш, радио эшиттиришлар таъйёрлаш учун имконият яратилди.

Афғон хотин-қизларининг ўтмишдан мерос бўлиб келган оғир аҳволини тубдан яхшилаш соҳасида талай чоралар кўрилди, қалин тўлаш таъқиқланди, иктимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги қонун билан таъминланди.

Ҳозирги вақтда афғон халқи Халқ демократик партияси ҳамда республика ҳукумати раҳбарлигида миллий экономикани вужудга келтириш соҳасида фидокорона меҳнат қилмоқда. 1979—1983 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик планда халқ хўжалигининг асосий соҳаларини тез суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган.

Совет Иттифоқи Афғонистон Демократик Республикасига иқтисодий қолоқликка барҳам бериш ва мустақил экономикани яратишда яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Умуман олганда, Совет—Афғон ҳамкорлиги бир неча ўн йиллардан бери давом этиб келяпти. Ана шу давр мобайнида СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қўшни мамлакатда 70 дан ортиқ халқ хўжалик объектлари қурилди. Булар жумладан, Афғонистондаги энергетика қувватларининг 63 процентга яқинини бермоқда.

СССРнинг техникавий ёрдами билан йирик табиий газ конлари очилди. Ана шу негизда Мозори—Шарифда азот ўғитлари заводи ҳамда иссиқлик электр станцияси бунёд этилди. Газ қувури СССР чегараларигача ўтказилиб, афғон газини СССРга экспорт қилиш имкони туғилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, Совет—Афғон иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришда Ўзбекистон ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Урушдан аввалги йиллардаёқ республикамиз қўшни мамлакатга чой, қанд-шакар, шоли, газлама, цемент, пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар етказиб берар эди. Урушдан кейинги йилларда бундай ҳамкорлик

АФҒОНИСТОН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУННИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА

янада ривожланди. 1950—1978 йиллар ичида Ўзбекистон ССРнинг Афғонистонга жўнатган экспорт товарларининг ҳажми бир неча ўн баравар кўпайди. Асосан хилма-хил машиналар ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, қурилиш материаллари, тўқимачилик, пахта тозалаш ҳамда химия корхоналари учун асбоб-ускуналар, экскаваторлар, пахта териш машиналари, қора металлар прокати ва бошқа хил саноат ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Республикамиз қўшни Афғонистонда турли саноат объектларини қуриш ва жиҳозлашда фаол иштирок этмоқда. Айниқса, Жалолобод суғориш системасини бунёд этишдаги ҳамкорлик диққатга сазовордир. Бу ерда мураккаб гидротехника иншоотлари қурилди, натижада жуда кенг майдонда суғориш ва мелиорация ишларини амалга ошириш, янги ерларни ўзлаштириш имконини яратилди. Республикамизда ана шу суғориш системаси иншоотларининг бутун бир комплексини қуришда катта техникавий ёрдам кўрсатди. Ана шу асосда қўшни мамлакатда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган йирик аграр саноат комплекси бунёд этилди. Ҳозирги вақтда бу ерда мутахассисларимиз кўмаги билан яна иккита қишлоқ хўжалик фермасини ташкил этилмоқда.

Ўтган йил 5 декабрида Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланди. Ҳар иккала қўшни мамлакатнинг яқин ҳамкорлиги тарихида сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ҳамда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси Н. Тараки имзолаган Шартнома Совет—Афғон алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш жиҳатидан ҳам, шунингдек, Осиё қитъасидаги тинчликни, бинобарин, умуман дунёдаги тинчликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ҳам тарихий аҳамиятга молликдир.

Ана шу Шартнома ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети Президиумининг 20 апрель куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида ратификация қилинди. Мазкур мажлисда ўртоқ Л. И. Брежнев айтдики, Совет халқи дўст Афғонистон халқига интернационал бурч ва мадад бермоқда. Афғон революциясининг мақсадлари, меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини кўзлаб ўтказилаётган социал-иқтисодий ўзгартишлар бизга яқин ва тушунарлидир. Ана шу вазифаларни бажариш енгил иш эмас. Бу ишнинг ички ва ташқи душманларнинг қаршилигини енгиб ўтишни, сабот, матонат, жипслikни талаб қилишини биз ўз тажрибамиздан биламиз. Аммо биз шунга қатъий аминмизки, янги Демократик Афғонистон барча синовлардан муваффақиятли ўтади.

Х. БОГДАНОВ,
иқтисод фанлари кандидати, ТошДУ доценти.

А. АБДУЛЛАЕВ,
ТошДУ снёсий иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчиси.

СЕПАРАТ БИТИМ КУЧГА КИРДИ

Бугун Синай ярим оролида жойлашган Америкининг Уммхишеиб эрта хабардор қилиш электрон станцияси территориясида Миср билан Исроил вакиллари Садат билан Бегин 26 мартда Вашингтонда имзолаган «сулҳ» шартномаси ратификация ёрлиқларини бир-бирларига топширдилар. Шундай қилиб, Қўшма Штатларнинг воситачилиги остида арабларга қарши тузилган сепарат битим расмий равишда кучга кирди.

Бугун Бирлашган Араб амирликлари ва Катар ҳукуматлари арабларнинг манфаатларига хиёнат қилган Миср режими билан дипломатия муносабатларини узганликларини эълон қилдилар.

Бугун Исроил мудофаа министри Вейцман Мисрнинг расмий кишилари билан музокара қилиш учун Қоҳирага келди. Исроил министри Мисрда олиб борадиган музокаралар Исроилнинг Ливанга қараб ўқ отаётган, тўплари гумбирлаб турган бир пайтда ўтади.

Вейцман Қоҳирага жўнаб кетишдан аввал Исроил «фаластинликларга ҳар қандай жойда, ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай воситалар билан бундан буён ҳам зарба ураверади» деб сурбетлик билан айтди.

Миср билан Исроилнинг ҳаракатлари АҚШда тўлатўкис маъқулланмоқда. Ҳозир Вашингтон Миср-Исроил сепарат шартномаси қоидаларини амалда бажаришда актив қатнашишга ҳозирлик кўрмоқда. АҚШ президенти Ж. Картер ўзининг махсус вакили Р. Страусни Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида «маъмурий мухторият» режими деб аталган режим ўрнатиш тўғрисида Қоҳира билан Тель-Авив ўртасида бўладиган музокараларда қатнашиш учун алоҳида топшириқларни бажарувчи элчи қилиб тайинлади. Шу тариқа, сепарат битимнинг рўёбга чиқарилиши ҳам АҚШнинг бевосита назоратига олинади.

(ТАСС, 25 апрель).



АФҒОНИСТОН. Революция ғалабасидан сўнг афғон хотин-қизлари эркаклар билан тенг ҳуқуқли равишда иқтисодий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

В. Соболев фотоси, ТАСС фотохроникаси.



ПАРИЖ. Эйфель минораси — Франция пойтахтининг тимсоли.

Е. Коржев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БОНН. Ғарбий Германия Бундестагининг Германия социал-демократик партиясидан сайланган депутати Клаус Тюзинг Исроилнинг Фаластин проблемасига нисбатан тутган йўлини кескин қоралади. Исроил, деди у, Фаластин Озодлик Ташкилоти Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили эканлигини эътироф этиши лозим. Ғарбий Германия парламентининг аъзоси, Миср-Исроил шартномаси фаластинликларнинг ҳуқуқларини тамомила назар-писанд қилмаганлигини таъкидлаб, бундай деди: «Исроилнинг Фаластин проблемасига нисбатан тутган ҳозирги йўли Жанубий Африка республикасидаги апартеиддан сира фарқ қилмайди. Бу йўл кўпчилик устидан зўрма-зўраки ҳукмронлик ўрнатилишидан далолат беради».

РИМ. Италиянинг автомобилларда юк ташиш билан банд бўлган меҳнаткашларидан 400 минг киши икки кунлик забастовка ўтказмоқда.

Транспортчилар корхона эгаларининг тутган йўлига қарши норозилик билдириб, ишларини тўхтатдилар. Корхона эгалари ярим йилдан буён коллектив меҳнат шартномасини тиклаш ва меҳнаткашларни иш билан таъминлаш устидан назорат ўрнатиш ҳамда меҳнат шароитини яхшилаш ҳақидаги талабларини қондиришдан бўйин товлаб келмоқдалар.

ДАМАШҚ. Бу ерда металлургия ва пўлат эритиш саноати араб мамлакатлараро иттифоқ маъмурий кенгашининг мажлиси бўлди. Кенгаш Мисрнинг шу ташкилотга кирган саккиз компаниясини аъзоликдан ўчириш, шунингдек ташкилотнинг штаб-квартирасини Қоҳирадан Ироқнинг Басра шаҳрига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди.

БИСАУ. Бу ерда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари иттифоқи, Африка халқлари билан дўстлик Совет уюшмаси билан «Гвинея—Бисау—СССР» дўстлик жамияти ўртасида 1979—1980 йиллардаги ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Бу протоколда бир-бирларига делегациялар ва ахборот материалларини юбориб туриш, дўстлик кечалари, лекция ва кино кўрикларини уюштириш кўзда тутилади.

(ТАСС, 25 апрель).

СЕРКУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

МАКТАБЛАРДА КИНОЛЕКТОРИЙ

БУХОРО область Шофиркон районидаги «Правда» газетаси номли мактабда юқори синф ўқувчиларини коммунистик руҳда тарбиялаш кинолекторийси ташкил қилинди. Кинолекторий «В. И. Ленин — Коммунистик партия билан совет давлатининг асосчиси» мавзуидаги лекция билан ўз ишини бошлади.

Кинолекторийда машғулотлар бир ойда икки марта ўтказилади. Ўқувчилар КПСС ва Совет давлатининг тарихи тўғрисида, Ленин комсомолининг шонли йўли ҳақида, совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикамизда рўй берган буюк ўзгаришлар тўғрисида лекциялар тинглайдилар. Лекциялар бадиий, ҳужжатли ва ўқув фильмларини кўрсатиш билан бирга олиб борилади.

ЎҚУВЧИЛАР ЯРАТГАН БОҒ

ФАРҒОНА область Киров районидаги «Москва» колхозидаги «Октябрь 60 йиллиги» мактабининг ўқувчилари янги боғ барпо этдилар. Хўжалик ажратиб берган ўн гектар майдонга олма, гилос, олча, шафтоли ва бошқа мевали дарахтларнинг мингдан кўпроқ кўчати ўтказилди. Болалар боғни Ленин номи билан атадилар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН КОНЦЕРТ

ҚИЗИЛТЕПА районидаги «Москва» колхозининг Х. Сулаймонов бошлиқ пахтачилик бригадаси аъзолари янги қўшиқ ва рақс ансамблининг дастлабки томошабинлари бўлдилар. Зарафшон водийсининг энг қадимий манзилгоҳларидан бирининг номи билан аталган «Зармитан» ҳаваскор коллективи уларга ўзининг биринчи концерт программасини кўрсатди.

Механизаторлар, деҳқонлар, ўқитувчилар ва врачлар, маиший хизмат ходимларидан ўттизтадан қўпроқ кишини бирлаштирган район маданият уйининг янги ансамбли ўзбекистон ва қардош республикалар шоирлари, композиторларининг чўлқуварлар қаҳрамонлиги ва мардлигини тараннум этувчи шеър ва қўшиқларини, бухоролик шоир ва ёзувчиларнинг бепоён дашт меҳнатчиларига, Қизилқумда янги пахтазорлар, боғлар, тоқзорлар барпо этаётган кишиларга бағишланган асарларини ўз программасига киритди.

(ЎзТАГ).



Оққўрғон район дорихона коллективи хизматидан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидларни беҳад мамнундирлар. Бу ерда буюртма дори-дармонларни уйларга элтиб бериш ҳам йўлга қўйилди. Суратда: дорихона ассистенти М. Саидаҳмедова дорига келган пенсионер Н. Муҳамедов билан.

С. Бобожонов фотоси.

СИРЛИ ОЛАМ

ТЕЖАМКОРЛИК — ШИОРИМИЗ

ИЛҒОР ИШЧИЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ
ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШДА ЕШЛАР МУРАББИЛАРДАН МИННАТДОР

Бу корхонани гўё санъат макони, куй ва қўшиқлар олами деб атаса ҳам бўлади. Негаки, халқимиз томонидан яратилган ва одамлар томонидан севилган ҳамма санъат мулки — ажойиб ашулалар ва куйлар, дилга ором берувчи музикалар сирли дискаларга кўчирилиб, яна санъатсевар халқимизга бутун борлиғи билан инъом этилади.

Бундай саховатли ишларни сидқидилдан бажаришда Тошкент грампластинка заводининг меҳнатсевар, жонкуяр коллективи алоҳида мақтовга сазовор иш қилмоқда.

Мана, корхонанинг илғор ишчиларидан бири Ольга Борецкая. У топшириқни ҳар доим ошириб бажариш билан бирга материаллардан тежабтергаб фойдаланишда ҳаммага ўрнак бўлмоқда.

— Унинг йил бошидан буён тежаб қолган хом ашёсидан яна қўшимча равишда 1000 тадан ортиқ пластинка тайёрлаш мумкин, — деб таъкидлайди унинг сменадоши Людмила Патоқ.

Ольга Борецкая деярли ҳар куни камида бир килограмм қоришма хом ашёни тежаб қолишга одатланган. Моҳир ишчи бундай ютуққа ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ёки тайёрланган пластинкаларнинг оғирлигини камайтириш ҳисобига эмас, балки хом ашёдан фақат унумли фойдаланиш йўли билан эришмоқда.

Яна бир нарса ҳар маҳал унинг эътиборида бўлади. Ишда озодагарчилик ва тартиб Ольга Борецкаянинг энг асосий шиорларидан бири. Шунинг учун ҳам у меҳнат қилаётган жой ўзининг орасталиги билан доим ажралиб туради.

— Мен пала-партиш, ўлда-жўлда ишлашни сира хоҳламайман,— дейди у. — Бунда ишнинг сира унуми бўлмайди. Мен шогирдларимга ҳам аввало меҳнат қиладиган жойни тартибли ва озода тутишни ўргатаман. Шунга эриша олмаган ишчи ишининг унумини билмайди.

Мана, ўн уч йилдирки, у шу заводда меҳнат қилмоқда. Ана шу давр мобайнида ҳар бир пластинка учун қанча ҳажмда хом ашё сарф бўлишини у бетарозу чамалайди. Бундан ташқари фақат браксиз маҳсулот тайёрлайди. Ана шундай қимматли резервлар унинг меҳнатининг унумли бўлишини таъминламоқда.

Ольга Борецкаянинг ишига назар ташлаймиз: У пресслаш дастгоҳи ёнида тез ва аниқ ҳамда эпчил ҳаракат қилади. Ҳар бир операция учун фақат бир секундгина вақт сарф бўлмоқда. Қуймани хом ашё билан тўлдириш, пресслаш, совутиш ва маҳсулотни олишга фақат ярим минутдан камроқ вақт сарф бўлаётир. Шу зайлда у ҳар сменада 960 та пластинка «ўрнига 1400 та пластинка тайёрлаб чиқаришга бемалол улгурмоқда.

— Менинг графикдан ўзиб ишлашимга корхонамизда кенг туе олган социалистик мусобақа ҳам катта ёрдам беряпти, — дейди у.

Ольга Борецкая чиндан ҳам ўзаро мусобақанинг нечоғлик жозибадор кучини ўзи эришаётган ютуқларнинг энг дастлабки омили деб билади. Негаки, у меҳнат кунини аввало корхонанинг кўрсаткич тахтасидан бошлайди. У албатта илгариги сменада ишлаган мусобақадоши Людмила Патокнинг қандай кўрсаткичларга эришганлигини кўздан кечиради.

— Шунинг учун мен эришаётган ютуқларда дугонамнинг ҳам катта ҳиссаси бор, — деб таъкидлайди у.

Аҳил дугоналар — Тошкент грампластинка заводининг моҳир прессчилари Ольга Борецкая ва Людмила Патоклар корхонада бир неча йилдан буён бирга ишлаб, меҳнатда ҳар доим қизғин беллашиб келмоқдалар. Улар бу даврда ўз ишларида катта тажриба орттиришди. Шунинг учун ҳам бу илғор икки ишчининг иши доимо юришгани-юришган, уларнинг номлари эса корхона ҳурмат тахтасидан фахрли ўрнини эгаллаб турибди.

Уларнинг меҳнатдаги илғорлик сирларини эгаллаётган ҳамда улардан ибрат олиб олға томон интилаётган кўплаб шогирд қизлар ҳам устозларидан доим миннатдор. Шунинг учун ҳам корхона коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича барвақт бажариб, ўз меҳнати билан эл-юртни қувонтириш ниятида тағин ҳам баранали ишламоқда. Халқнинг юксак дидига мос сифатли маҳсулотлар етказиб бериш учун тинмай жонбозлик кўрсатмоқда. Бунда илғор ишчилар чинакам ибрат бўлмоқдалар.

Ҳозир икки мусобақадош ишчи 1980 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот тайёрлаб бермоқда.

Я. ТЎХТАЕВ.

ҚИШЛОҚДА ШИФОХОНА КОМПЛЕКСИ

Салкам беш юз квадрат метр майдонни ишғол этган бу комплекс шифохонанинг ишга туширилиши Ўртаовул меҳнат аҳлини ҳурсанд этди. Тобора шаҳар чиройини олаётган янги массивда бир қатор маданий-маиший объектлар аҳоли хизматида. Ўзбекистон қурилиш министрлигига қарашли 6-трест бинокорлари бунёд этган бу уч қаватли шифохона комплексини ишга туширишда А. Залилхонов, Т. Қуромов, А. Соколов бошлиқ бўлган бригада аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди.


Хирургия, терапия, гинекология, акушерлик, инфекцион ва бошқа бўлимлар энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Комплексдаги поликлиниканинг ўзи бир йўла 300 беморга хизмат қила олади.

— Шифохонамиз ҳар томонлама қулайлиги билан беморлар эътиборини тортмоқда, — дейди бош врач вазифасини бажарувчи Бўрибой Серикбоев. — Жумладан бемор олдига киришга ижозат олмаган қариндош-уруғлари ёки таниш-билишлари видеотелефонда гаплашишлари мумкин. Ёки аксинча поликлиникага келиб, врачларга учрашган бемор ўзига зарур дори-дармонларни шу ердаги дорихонадан харид қилиб олсалар ҳам бўлади. Комплекс атрофидаги боғни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Шифохона очилишида Калинин район партия комитетининг иккинчи секретари В. Коленко сўзга чиқиб, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари саломатлигини мустаҳкамлашда кўрсатаётган бебаҳо ғамхўрлиги ҳақида гапирди. Тошкент гўшт комбинатининг директори Х. Йўлдошев, ЖЭК бошлиғи Т. Муқаддиров, қишлоқ меҳнат аҳли номидан Н. Жарова — ўртоқлар сўзга чиқиб миннатдорчилик билдиришди.

Қишлоқда яқин келажакда яна бир қатор турар-жой маданий-маиший бинолар қуриш планлаштирилган. Жумладан, 48 оилага мўлжалланган кўп қаватли турар-жой биноси, 600 ўринга мўлжалланган клуб шу беш йилликда фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 280 ўринли яна бир болалар боғчаси, ёзги кинотеатр қурилади. Бир сўз билан айтганда Ўртаовул тобора шаҳар тусини олмоқда.

Ш. АКБАРОВ.



Суратларда: шифохона комплексининг ташқи ва ички кўринишлари, (ўртада) бемор видеотелефонда гаплашмоқда.

А. Абалян фотолари.

КЎРГАЗМАДАГИ МАГАЗИНДА БЎЛСИН

Совет кишиларининг фаровонлиги кун сайин ошиб, турмуш шароити тобора яхшиланиб бормоқда. Шу туфайли ҳам уларнинг турли кенг истеъмол товарларига нисбатан эҳтиёжлари ортяпти. Эндиликда улар ўнни кўриб бирни оладиган, ҳар бир буюмнинг, — оддий рўзғор анжомларидан тортиб то кийим-бошгача, — дид билан кўркам тайёрланишига эътибор билан қарайдиган, эстетик жиҳатдан нафис бўлишига аҳамият берадиган бўлиб қолишди. Ишлаб чиқариш корхоналари коллективлари шунга амал қилиб, кенг истеъмол маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш қатори ташқи кўринишини яхшилашлари зарурратга айланди.

Лекин, афсуски, областимиздаги кўпгина корхоналар шу замон талабини, халқ эҳтиёжини ҳисобга олишмаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш, янги-янги буюмларни ўзлаштириш, сифатини яхшилаш билан лозим даражада шуғулланишмаяпти. Улар ишлаб чиқарган жуда кўп халқ истеъмол товарлари харидорларга маъқул бўлмасдан магазинлар ва складларда ётиб қоляпти.

Бунинг олдини олиш учун совет кишиларининг эҳтиёжларини доим ўрганиб бориш ва ишлаб чиқаришни шу асосда қайта ташкил этиб туриш керак. Бунда уларга СССР Савдо министрлиги Бутуниттифоқ халқ истеъмоли товарлари энг янги намуналари доимий павильонининг Ўзбекистон филиали ёрдам бериши мумкин. Чунки, бу филиалда ҳар йили мамлакатимиз ва чет эллларда ишлаб чиқарилган турли хил халқ истеъмол товарларидан ташкил этилиб турилади. Республикамиз, шу жумладан областимиздаги енгил тўқимачилик, маҳаллий саноат корхоналари, шунингдек уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришдек ҳайрли ишга ҳисса қўшиш истагидаги бошқа саноат тармоқлари бўлинмалари коллективлари ҳам шу кўргазмадаги буюмларни танлаб олиб, уларни ўзларида тайёрлашни ўзлаштиришлари мумкин.

Биргина ўтган йили республикамиз, асосан областимиз турли саноат тармоғи корхоналари вакиллари филиалда кўргазмага қўйилган буюмларнинг 126 тасини ишлаб чиқариш учун танлаб олдилар. Шу вақтгача 36 таси тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилабошланди, 63 хил маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Масалан, «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси беш хил маҳсулотни кўргазмадаги намуналар асосида чиқаришяпти. Чарм-галантерея фабрикасида болалар учун икки хил сумка тайёрлаш ўзлаштирилди. Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, Экскаватор, Ўзбекистон металлургия, Ангрентириш, кўримлилигини яхшилашга хизмат қилишга даъват этилган,— дейди филиал директори Мунаввар Ражаповна Ражапова.— Бу билан биз совет кишиларининг кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга озми-кўпми ҳисса қўшган бўламиз. Ташкил этилаётган кўргазмалардаги буюмлар намуналари ишлаб чиқариш учун қанчалик кўп танлаб олинса, шунча мақсулотни кўпайтириш мумкин бўлади. Чунки, бу билан халқимизнинг эҳтиёжини янада яхшироқ қондириш йўлида яна бир одим ташланган бўлади. Бундан корхона коллективи ҳам фақат фойда кўради, аҳоли эса мамнун бўлади.

Яқинда бу филиалда яна бир йирик кўргазма ташкил этилди. Каттагина залга мамлакатимиз ва чет эллларда тайёрланган уй-рўзғор анжомлари, маданий-маиший хизмат учун мўлжалланган буюмлар, галантерея, парфюмерия, трикотаж, спорт товарлари, совғалар, ўйинчоқлар ва бошқа молларнинг энг яхши намуналари қўйилган. Уларнинг ҳаммаси нафис, кўркам ишланганлиги билан эътиборни жалб қилади.

Трикотаждан тўқилган костюмлар, жемперлар, спорт кийимлари, сунъий толалар, жундан тўқилган рўмоллар шубҳасиз ҳар бир харидорга манзур бўлади. Турли-туман сирли идишлар, сервизлар рангоранглиги, бежирим ишланганлиги билан ажралиб туради. Пластмассадан тайёрланган ҳар хил рўзғор буюмлари, ўйинчоқлар, ошхона анжомлари комплектлари ҳам магазин пештахталарида ётиб қолмаса керак. Хрусталдан тайёрланган қандиллар, вазалар, чех рангли шиша идишлар, керамика буюмлари, ёзув қуроллари ва бошқа товарлар ҳам давр талаби даражасида мукаммал, гўзал қилиб ишланганлиги кўзга ташланади.

— Бу кўргазмага,— дейди М. Ражапова,— турли-туман халқ истеъмол товарларининг 4 мингга яқин энг яхши намуналари қўйилган. Уни ташкил этишдан мақсад республикамиз корхоналарида ҳам шундай буюмлар тайёрлашни тавсия этишдир.

Республикамиздаги кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар коллективлари вакиллари бу кўргазмага тобора кўпроқ келишмоқда. Улар айрим буюмларни ўз корхоналарида ишлаб чиқариш учун танлаб олишяпти. Бунинг учун дастлабки шартномалар ҳам тузилди. Лекин, бу ҳали жуда ҳам кам. Кўргазмага ташриф буюраётган корхоналар вакиллари анчагина нарсани танлаб, ўзларида тайёрлашни бемалол ўзлаштиришлари мумкин. Бунинг учун уларда барча имкониятлар бор. Фақатгина озгина ҳафсала керак, холос.

— Айрим корхона раҳбарларида шу ҳафсала етишмай турибди,— дейди филиал катта инженери Ҳамидулла Аброров,— бу ерда илгари намойиш қилинган, ҳозир ҳам кўргазмага қўйилган анчагина буюмларни «Ташэлектромаш», асбобсозлик заводларида бемалол тайёрлаш мумкин. Лекин, шу корхоналар раҳбарлари бу муҳим ишга эътиборсизлик билан қарашяпти. Кўргазмаларимизда намойиш этилган энг яхши буюмлар намуналарининг бирортаси ҳам бу корхоналарда ўзлаштирилмаганлигини шу билан изоҳлаш мумкин, холос. Улар бунга хотима беришлари керак. Давр шуни талаб этаяпти, совет кишилари эҳтиёжи шуни тақозо қилмоқда.

Ҳа, кўргазмага қўйилган энг яхши кенг истеъмол буюмлари намуналарининг магазинлар пештахтасида ҳам бўлишига эришиш лозим. Барча саноат тармоқлари, биринчи навбатда енгил саноат корхоналари раҳбарлари шу ҳақда ғамхўрлик қилишлари, бунинг учун барча имкониятлар ва резервлардан фойдаланишлари керак.

М. МИРҲАМИДОВ.

НАМУНАЛИ БОҒЧА

ТОШКЕНТДАГИ 4-нон заводига қарашли болалар боғчасини Фрунзе районидаги энг намунали кичкинтойлар муассасаси дейишади.

Ҳозир бу ерда корхона ишчиларининг 174 фарзанди тарбияланмоқда. Тажрибали мураббийлар кичкинтойлар атрофида парвона.

Ҳоналар кенг ва ёруғ. Кичкинтойлар учун алоҳида зал ҳам ажратилган. Кунлар исиб кетганда эса жажжи ўғил-қизлар боғчанинг ёзги павильонига кўчиб чиқадилар. Кўкаламлаштирилган ҳовли болаларнинг сайргоҳ ерига айланади.

«Биз ишчиларга корхонада кўпгина қулайликлар яратиб берилган. Заводимиз ҳудудида очилган болалар боғчасини айтмайсизми! Биз, оналар мураббийлардан миннатдормиз. Менинг икки фарзандим ҳам шу боғчала. Газета орқали тарбиячиларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман...».

Заводнинг илғор ишчиси Ҳадича Анорбоева бу фикрини заводда ишлаётган бошқа оналар ҳам қўллаб-қувватлайдилар, албатта. Яхши ишлари учун боғча коллективи район халқ маорифи бўлими томонидан бир неча бор мукофотланди.

— Яқинда боғчамиз биноси саҳни тағин ҳам кенгайди, — дейди боғча мудираси М. Б. Андрейчикова. — Эндиликда тарбиявий ишларнинг турли формаларидан кенг фойдаланиш имконини туғилди. Боғчада бассейн, турли майдончалар бор. Яқинда боғчамиз газлаштирилди.

Е. МОРДУХАЕВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

БАЛАНД ТОҒЛАР ПРОБЛЕМАСИ

ИТАЛИЯ, Франция ва Голландия олимлари Перуда биргаликда илмий тажрибалар ўтказишяпти. Мақсад —одам организмининг баланд тоғ шароитида оғир жисмоний меҳнатга мослашувини ўрганишдан иборат.

Тажрибалар денгиз сатҳидан 4000 метр баландликда жойлашган Уакрокоча кўлида олиб бориляпти. Баъзи бир ғоввослар юз метргача чуқурликка тушдилар, врачлар эса спортчилардаги қон босими, юрак ва нафас олиш системаларини ўлчаб турдилар. Одамнинг атмосфера босими кам бўлган бундай шароитга мослашувини ўрганиш космик, спорт ва клиник медицина учун муҳим аҳамият касб этади.

Ер юзида 30 миллиондан ортиқ киши денгиз сатҳидан уч минг метр баландликда жойлашган районларда яшаб, меҳнат қилаётгани ҳам бу тадқиқотларнинг аҳамиятини янада оширади.

ВАРРАКЛАР ҚИММАТГА ТУШДИ

ЯПОНИЯДА кичиклар ҳам, катталар ҳам варрак ясаб учириш ишқибозларидир. Мамлакат электр станциялари федерациясининг ахборотига кўра, бурноғи йил тўққиз мингдан зиёд монтёр электр узатиш линияларини узилиб қолган варраклардан тозалаш билан банд бўлган. Мазкур тадбир электр компанияларига анча қиматга, яъни АҚШ пули билан ҳисобланганда, бир миллион долларга тушган.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ ИШҚИБОЗИ

ШВЕКИН шаҳри граждани Мариан Мацевах ўз ихтиёрида иккита тўп (пушка) сақлайди. Гап шундакки, у қадимий қурол-яроғларни тўплашни ёқтиради. Унинг шундай коллекциясида икки мингдан зиёд экспонат бор, жумладан ўт отувчи милтиқлар, тўппончалар, қиличлар (улар турли даврларда, турли халқларда расм бўлган), рицарлар кийими юрган металл кийим-кечаклар, қадимги ҳарбий мундирлар, ҳарбий нишон ва медаллар бор.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29 АПРЕЛЬ СОАТ 16.00 ДА

«ГЎЗАЛ» ЁШЛАР АНСАМБЛИ ИШТИРОКИДА

К О Н Ц Е Р Т

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
Гулшод ОТАБОЕВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Баҳром МАВЛОНОВ.

Солистлар: Дилором ҚАЮМОВА, Урбугул СУЙЕРБОЕВА, Ҳасан КАРИМОВ, Комилжон ИБРОҲИМОВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Гулнора ОДИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА.

Юмор ва интермедияда: Абдуфаттоҳ САИДОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Оригинал жанрда Саттор ИСЛОМОВ.
Ансамблнинг раҳбари — Султон АНВАРОВ.
Программани — Светлана ТАГИРОВА олиб боради.
Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

1, 2 МАЙ СОАТ 14.00 ва 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
Олмахон ҲАЙИТОВА, Ҳолисхон ҚОДИРОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар Ҳамидов, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА;
Интермедия ва юморда: Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.
Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАҲЛОВ олиб боради.
Ўзбек Давлат филармониясининг бадиий раҳбари — Ғани ТЎЛАГАНОВ.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ва Свердлов номли концерт зали кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» ТРЕСТИ
ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ
ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

18 ёшга тўлган йигитларни, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларни ва бошқа вақтинча ишламаётган гражданларни лифтлар монтажчиси касбига ўргатиш учун

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЯРИМ ОЙ.

Практика Тошкент шаҳрида ўтилади ва 1 ярим ой давом этади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади, бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш жойига бориш ва келиш корхона ҳисобидан бўлади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри — 97, Чилонзор массиви, 6-квартал. Телефонлар: 78-30-79, 78-30-68.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Гулдирама Оҳангарон районининг тоғлар орасига жойлашган чекка қишлоқларидан бири. Бир вақтлар бир нечтагина лой томли уйжойлари бўлган бу аҳоли пункти қиёфаси сўнгги йилларда тамомила ўзгариб кетди. Унинг бағрида янги-янги бинолар қурилмоқда. Замонавий гиштин уйлар барпо этиляпти. Чорвадорлар, ғаллакорлар оилалари бу уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйлари ўтказишяпти.

Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Бу ерда қатор магазинлар меҳнаткашлар хизматида. Яқинда яна бир магазин қурилиши ниҳоясига етказилди. Унда саноат маҳсулотлари, хўжалик буюмлари, озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи бўлимлар бор. Қишлоқ аҳолиси бу қулайликдан миннатдор бўлмоқда.

М. МУҲАМЕДОВ.

КЕНГ КИТОБХОНЛАР УЧУН

ҲАЛҚАРО ёрдамчи тил сифатида қарор топган эсперанто тилига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ҳозир республикамизда шу жумладан, пойтахтимиз Тошкентда махсус курслар орқали бу тил бўйича машғулотлар ташкил этилмоқда.

Мазкур тилда чоп этилаётган адабиётлар китобхонларга манзур бўлаётир. Сер қўёш республикамизнинг халқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи иккита рисола босилиб чиқди.

Ўзбек шеъриятининг улуғ даҳоси Алишер Навоийнинг, севимли сўз санъаткорлари Ҳамид Олимжон ва Шароф Рашидовларнинг айрим асарлари шу тил орқали кенг оммалаштирилди.

КАЛИНИН РАЙОНИДА

МАТБУОТ АКТИВЛАРИ СЛЁТИ

РАЙОНДА чиқадиган «Ленинчи» газетаси ишчи-қишлоқ мухбирларининг бўлиб ўтган слётида район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. Аҳмедов «КПСС XXV съезди қарорлари асосида ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили вазифаларини бажаришга район меҳнаткашларини сафарбар этишда ишчи-қишлоқ мухбирларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди. «Ленинчи» газетасининг редактори Ҳ. Қаюмов газета редакцияси иши тўғрисида сўзлаб берди.

Бир группа матбуот активлари район партия комитети ва район ижроия комитетининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

МИНГИНЧИ НИКОҲ

БУНДАН тўрт йил муқаддам Хонобод қишлоғи аҳолиси истаклари ҳисобга олиниб, депутатлар кўмаги билан қишлоқ Совети ижроия комитети қошида «Бахт уйи» очилган эди.

Яқинда бу ерда эсда қоларли воқеа юз берди. 1000 никоҳ қайд этилди. Қишлоқда янгича анъаналар, ҳусусан никоҳ маросимларини тантанали ўтказишга муҳим эътибор бериляпти. Уруш ва меҳнат ветеранлари, қишлоқнинг таниқли кишилари ушбу тантаналарда иштирок этишиб, бахтли турмуш қураётган ёшларга самимий тилаклар билдиришмоқда.

— Бахт уйида ёшларни кутиб олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, — дейди Хонобод қишлоқ Советининг раиси Т. Икромов. — Радио, магнитофон, бошқа керакли анжомлар улар ихтиёрида...

Спорт

ЯНА ЧЕМПИОН

Бугун Москвада хоккей бўйича ўтказилаётган жаҳон ва Европа биринчилиги мусобақаларининг сўнгги кунида СССР—Чехословакия, Швеция—Канада командалари учрашадилар. Лекин бу ўйинларнинг натижаси турнир жадвалига таъсир қилмайди. Ўтган куни бўлиб ўтган учрашувлардан кейин олтин, кумуш ва бронза медаллари эгалари маълум бўлди.

СССР хоккейчилари Канада командасини 9:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 16 марта жаҳонда энг кучли деган номга сазовор бўлдилар. Агар бундан аввалги чемпионатларда голиблик учун кураш ниҳоятда кескин ўтган бўлса, бу сафар совет спортчилари бирорта ҳам очко йўқотмадилар. Буннинг устига Чехословакия хоккейчилари устидан биринчи марта жуда йирик 11:1 ҳисобида голиб келишди.

Кумуш медалга даъвогарлик қилган Швеция хоккейчилари Чехословакия командаси билан бўлган учрашувни яхши бошлашди ва биринчи бўлимда 3:2 ҳисобида ютиб туришган бўлса-да, кейинги икки бўлимда иккитадан шайба ўтказиб юборди, 6:3 ҳисобида ютқаздилар.

Иккинчи финал группада қатнашаётган командалар ўртасида кеча сўнгги ўйинлар бўлди. Лекин учрашувлар натижасидан қатъий назар Польша хоккейчилари сўнгги ўринда қолиб, олий лига билан хайрлашдилар.

1—4 ўринлар учун куч синашган командаларнинг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича.

Командалар	Ў.	Ш.	О.
СССР	5	45—11	10
ЧССР	5	24—24	7
Швеция	5	17—32	3
Канада	5	14—33	0

ИККИНЧИ ЛИГАДА

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лигаси қатнашчилари навбатдаги тўртинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Зона пешқадамларидан бири Жиззахнинг «Бўстон» командаси Чимкентда маҳаллий «Металлург» футболчилари билан учрашиб, 2:1 ҳисобида голиб келди ва 8 очко билан олдинда бормоқда.

Қизил Ўрданинг «Орбита», «Янги-ер», «Динамо» (Самарқанд) ва «Актюбинец» командалари ҳисобида олтитадан очко бор. Навбатдаги бешинчи тур ўйинлари эртага бўлади.

МЕЗБОНЛАР УСТУНЛИГИДА

«Ёшлик» спорт аренасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун ўтказилаётган қиличбозларнинг бахсига бугун якун ясалди. Анъанавий мусобақада бу сафар ҳам иттифоқдош республикалар ҳамда бир қатор шаҳарларнинг командалари иштирок этмоқда.

Рапирачиларнинг беллашувларида тошкентлик спорт мастери Павел Железнёв биринчи бўлди. Шу тур бўйича команда ҳисобида ҳам мезбонлар устун келдилар.

Кеча шамширлар ўртасида шахсий беллашувлар бўлди.



Республикамизда меҳмон бўлган Япония самбочилари учта ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Бир ўйинда мезбонлар, иккинчисида меҳмонлар голиб келишган бўлса, учинчиси дуранг бўлиб тугади. Япония спортчиларининг миллий «акидо» кураши бўйича кўргазмали чиқишлари мухлисларга манзур бўлди. Сурагда: «Акидо» кураши пайти.

А. Рисқиев фотоси.

Редактор Ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750
БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, қалитлаш қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Р—01940. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2382.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қардасиз? 10.35 — Ҳисобда йўқ кун. Бадиий фильм. 11.05 — Музикали фильм. 11.50 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 — Франция бўйлаб. 15.55 — Москва ва москваликлар. 16.25 — Концерт. 17.10 — Адабий суҳбатлар. 17.55 — Музей ва кўргазма залари бўйлаб. 18.25 — Болаларга аталган шеърлар. 18.40 — Дунё воқеалари. 18.55 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Вақт. 22.05— Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Фонарик. 12.35 — Ўқув кўрсатуви. 13.05 — О. Ёқубов. Диёнат. Видеофильм. 4-серия. 18.00—Мультфильм. 18.10 — Ешлик. 18.45— Ахборот. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. Танаффус пайтида кинофильм. 20.45 — Ахборот. 21.05 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Чорвадор программаси. 22.20 — О. Ёқубов. Диёнат. Видеофильм. 5-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Генерал жаноб олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 2-серия. 20.20 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IV да Бир актли балетлар, 28/IV да Севги ҳақида афсона.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IV да Парвона, 28/IV да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IV да Шаҳзода ва етим қиз, 28/IV да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IV да Отилмаган ўқ, 28/IV да Кўзингни каттароқ оч.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа, катта цирк томошалари (16.00, 19.30).

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

техникумга кириш имтиҳонларини топширишга тайёрлайдиган

2 ОЙЛИК, ПУЛЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 4 майдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 3-Каблуков кўчаси, 45-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 14, 48-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). Телефонлар: 48-07-26; 48-37-10.